



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (13.701)

Баҳоси эркин нарҳда

## БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь кун Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш, Тошкентни замонвий мегаполисга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз туманларига бу галги ташриф давомида ҳам асосий эътибор ана шу йўлдаги долзарб ва лойиҳалар ижросига қаратилди.

Президентимиз дастлаб "Тошкент-Шарқий" аэродроми базасида барпо этилаётган ишбилармонлик аэропорти қурилиш участкасига ташриф бурди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 декабрь кун мазкур лойиҳа билан танишиб, бизнес-авиацияни ташкил этиш ва бундай турдаги барча хизматларни кўрсатишга қодир замонвий инфратузилмани барпо этиш борасида кўрсатмалар берган эди.

Ишбилармонлик аэропорти Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги тизим бўлиб, яқна тартибдаги ва корпоратив парвозларга лойиҳаслашди. Лойиҳа мамлакатимиз транспорт ва транзит имкониятларини янада оширишда муҳим ўрн тутарди. Айна пайтда олий даражадаги меҳмонлар, хорижий делегациялар, ишбилармонлар, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатади.

Ҳозирги вақтда эски учиш-қўниш йўлаги ўрнига 4 километрлик замонвий йўлак қурилмақда. Соатига 250 йўловчини ўтказиш имкониятига эга терминал барпо этиш, кейинги босқичда қўшимча инфратузилма объектлари, меҳмонхона мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Шу кунга қадар бу ерда қарийб 20 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Қурилиш-монтаж ишларига 100 дан орტიқ махсус техника жалб этилган.

Аэродром ҳудудига бир вақтнинг ўзида 20 та самолётга хизмат кўрсатадиган перрон қурилади. Шунингдек, кўриқлаш, алоқа ва хавфсизлик пунктлари бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш маркази, самолёт ва вертолётларини сақлаш учун замонвий ангар, ёнғин хавфсизлиги депоси қурилади. Шу билан бирга, диспетчерлик маркази ва йўловчилар учун овқатланиш биноси барпо этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2020 йилда якунланиши белгиланган.

Бизнес-аэропортда хорижий ишбилармонларга ҳар томонлама маъқул бўладиган хизматларни йўлга қўйиш учун лойиҳаси мукамал бўлиши керак. Самолётдан тушган одам халқимизнинг нечоғли баркириги ва меҳмондўст эканини ҳис этиши керак. Шу боис замонвий лойиҳа институти ташкил этиб, Япония, Германия каби мамлакатлардан малакали мутахассисларни ишга жалб этиш лозим. Ана шундай қилсак, бу аэропорт халқимизга, фарзандларимизга кўп йиллар хизмат қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесилишида барпо этилаётган уч қаватли замонвий кўприк лойиҳасини кўздан кечирди.

Энг гавжум чорраҳалардан бири бўлган мазкур ҳудудда уч қаватли янги кўприк қурилиши тирбандликни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Кўприкнинг Паркент кўчасидан Оҳангарон шоссесига ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд тунель қурилади. Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур тунель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади. Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради. Шунингдек, Тошкент механика заводига таъмирланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл ўтказгич барпо этиш режалаштирилган.

Таъқидлаш жоизки, шу чоққача юртимизда уч қават кўприк қурилмаган эди. Эндиликда Ўзбекистон эстакада бунёд этиш тажрибасини ҳам ўлаштирмоқда.

Қурилиш ишларини 2019 йил август ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилмоқда.

Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос ташрифи қоғози бўлади, – деди Президентимиз. – Ўзбекистон учун янгилик бўлган ушбу маҳаббатли иншоот Чорвоқ ва Чимён ҳудудини ривожлантиришга замин яратди. Кўприк қурилиши жараёнида автомобиллар ҳаракати тўхтатилмайди.

Янги транспорт боғламаси Тошкент шаҳридан Чорвоқ ҳудудига борувчи йўлни 22 километрга қисқартирмоқда. Айна пайтда пойтахт аҳолиси ва хорижлик сайёҳларнинг Чорвоқ ҳамда Чимён ҳудудига тез ва осон етиб олиши учун Чирчиқ дарёси устидан кўприк бунёд этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев янги кўприкни замонвий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

– Асосийси, ёз жазирамасида бу ерда қурилиш ишлари транспорт қатновига ноқулайлик туғдирмаслиги зарур. Буни ҳозирдан ўйлаб пухта ечим топиш, қурилишни 3 сменада ташкил этиш лозим, – деди Президентимиз.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент ерости халқа метро линиясини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор туманининг Фуросибёв ва Бешёғоч кўчалари кесилишида ҳудудда барпо этилаётган кўп тармоқли "Хумо Арена" мусароий қурилишини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа дизайнида замонвий қурилиш ечимлари ва илгор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўйда парвоз этаётган бахт ва ҳурлик рамзи – Хумо қуши шаклида барпо этилмақда.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль кун "Хумо Арена" лойиҳаси билан танишиб, бу каби замонвий спорт иншоотларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ мусараналари жой олади. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метрни ташкил этади.

Мобил ўриндиқлар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатиш имконига эга бўлади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилаётган мусароийда турли тадбирларни ўтказиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш мумкин.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнғинни ўчириш, совутиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иссиқлик манбаи тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда, тежамкор технологиялар қўлланилади. Унинг ёнида 1 минг 375 автомобилга мўлжалланган 5 қаватли автотураргоҳ қурилмоқда.

Президентимиз ушбу мажмуада шугулланадиган хоккей, фигурали учуш ва бошқа спорт турлари бўйича жамоаларни ҳозирдан шакллантириш, бу ерда йирик халқаро мусобақаларни ташкиллаштириш масаласини ўрганиб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур мажмуани йил охирига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри маркази улкан қурилиш майдонига айланган. 80 гектар ҳудудда барпо этилаётган "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик марказига нафақат юртимиз тадбиркорлари, балки хорижлик инвесторлар ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Президентимизнинг мазкур ҳудудга ташрифи ва қурилиш ишлари билан танишуви чоғида бу ҳақда алоҳида сўз юритилди.

Ҳозирги кунда мазкур замонвий марказ ҳудуди 7 қисмга бўлиниб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Айна пайтда 42 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилган, "Коргресс холл" ва беш йўлдузли меҳмонхонанинг ерости монолит қопламаларини мустаҳкамлаш якунланган.

Давлатимиз раҳбари "Toshkent City" қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Қурувчи-муҳандислар, хорижлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

Бугунга қадар "Toshkent City" маъмурияти томонидан Буюк Британия, Германия, Италия, Жаңубий Корея компаниялари билан замонвий турлар жойлар, офис ва савдо мажмуалари, таълим муассасалари, 2 та 20 қаватли савдо-кўнгличор марказ, 40 қаватли мультифункционал бино ва иншоотлар қурилишига инвестиция киритиш бўйича лойиҳалар имзоланди.

Президентимиз меҳмонхона ва "Конгресс-холл"нинг ички дизайни, кириш қисмлари ҳамда нуфузли халқаро анжуманларни ўтказишга мўлжалланган заллар интерьерлари лойиҳаси билан танишиб, уларни миллий услубда безаш ва жиҳозлаш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликнинг олдини олиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмақда. Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпоно-та кўчалари кесилишида қурилаётган замонвий йўл ўтказгич шулардан биридир.

Янги кўприкнинг умумий узунлиги 676 метр, шундан эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенглиги 24,5 метрга тенг. Транспортлар 6 қаторда ҳаракатланади. Шунингдек, 124

метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги ҳам қурилаяпти. Ногирон ва кексаларга қулайлик яратиш мақсадида уларда махсус лифт, эскалатор ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, қурувчилар билан мулоқот қилди.

– Янги кўприклар сифатли, жуда пухта бўлиши керак. Бунинг учун ўз ишимизга фидойилик билан ёндашиб, кўприкчилик бўйича илгор хориж тажрибасини ўрганиб боришимиз зарур, – деди Президентимиз.

Янги иншоотни лойиҳалаштиришда ёритиш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, кўприкка жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган энергия тежамкор жиҳозлар ўрнатилди. Қурилишда Германиядан келтирилган замонвий техникадан фойдаланилаётгани иш унумдорлигини оширмоқда. Бугунги кунга 256 та тўсиндан 234 таси ўрнатилган, 276 та призматик қозникнинг барчаси қўқилган, шунингдек, пиёдалар ўтиш йўлагиди таянч устунлар тўлиқ ўрнатилган.

Шу ерда янги кўприклар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш борасидаги ишлар тақдирини ўтказилди. Тошкент шаҳрида яна ўн бешта жойда йўл ўтказгичлар қурилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўприкларни сақлаш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш масаласи ҳам гўят долзарб эканини қайд этди. Соҳа учун махсус мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган коллежлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Ортимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, одамларимиз учун замонвий шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, "Обод қишлоқ" дастури амалга оширилмоқда. Энди шаҳарлар учун "Обод маҳалла" дастури ишлаб чиқилмоқда.

Чилонзор туманидаги "Хирмонтепа" маҳалласи тажриба тарихисига ушбу концепция асосида обод қилинмоқда. Ҳудудда жойлашган 24 та кўп қаватли уй таъмирланди. Маҳалла идораси ходимлари, профилактика инспекторлари учун бино, коммунал тўловлар шохобчаси, болалар ва спорт майдончалари барпо этилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли ва болалар билан суҳбатлашди, уларнинг ўй-ташвишлари билан қизиқди.

– Ҳар бир маҳаллани Жиззахдаги Манасга ўхшатиб обод қилишимиз керак. Барча ишларимиз туб замирида халқимизни рози қилиш мақсади муҳассам. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солашим, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги "Тирсақобод" маҳалласида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди.

"Тирсақобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 9 кўп қаватли уй ва 864 ҳовли мавжуд. Бу ерда яшаётган 5 минг 200 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллат вакиллари бор.

Маҳаллада Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

"Sherobod building" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда маҳалла марказида чойхона, новвойхона, гўзаллик саломи, дўконлар, спорт ва болалар майдончаларининг замонвий қиёфада қад ростилаш маҳалла аҳли ва унга ёндаш ҳудуд аҳолиси учун айна мудоа бўлмақда.

Бу ерда "Обод маҳалла" лойиҳаси асосида маҳалла раиси, қотиби, маслаҳатчилар, профилактика инспектори, нурунийлар учун хоналар, кутубхона, мажлислар зали, болалар майдончаси, ёшлар учун спорт иншоотлари, фавворалар қурилиши, ўриндиқлар, соябонлар, тунги ёриткич мосламалари ўрнатиш каби ишлар жадал кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонвий маҳалла марказлари бунёд этиш, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Танқидий-таҳлилий рўйхат ўтган йиғилишда пойтахтимизда саноят ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш бўйича долзарб чора-тадбирлар белгилан берилди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Умар АСРОРОВ,  
Ўза мухбирлари**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

### БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада баҳолаш фаолиятини тартибга солишчи мустақам ҳуқуқий база шакллантирилган, баҳолаш хизматлари бозори ривожлантириш, амалга оширилаётган баҳолаш ишларининг натижалари ва ҳолисиги учун жавобгарликни ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинган.

Бугунги кунда баҳолаш хизматлари бозорида малака сертификатига эга мингта яқин баҳоловчилар меҳнат қилувчи икки юзориқ баҳоловчи ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, бир қатор муаммо ва камчиликлар профессионал баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга ҳамда баҳоловчи ташкилотларга бўлган ишончни оширишга тўқинлик қилмоқда, жумладан:

**Биринчидан**, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш функциясини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви органи зиммасига юклатиб баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнида юзга келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги;

**Иккинчидан**, баҳоловчи ташкилотлар капиталнинг энг кам миқдорига бўлган юқори талабларнинг мавжудлиги профессионал мутахассисларнинг баҳолаш хизматлари бозорига киришини чекламоқда, бунинг оқибатида баҳолаш ишлари сифати улгарга, айниқса, бизнесни баҳолаш ҳамда банк ва сугурта фаолиятида ортиб бораётган талабларга мос келмаслиги;

**Учинчидан**, баҳоловчилар малакаси ва касбий маҳоратининг кўтариш даражасини ошириш, шунингдек, турли объектлар қийматини баҳолашнинг алоҳида шартларини ҳамда уларнинг ютуқларини рағбатлантиришнинг хисобга олмайдиган баҳоловчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарасизлиги;

**Тўртинчидан**, баҳолаш ягона ёндашуви ва бозор қонъюнктурасини хисобга олишни таъминламайдиган, тез ўзгариб бораётган бозорнинг замонвий шартларига жавоб бериб қолмаган, уларнинг халқаро стандартлар билан етарлича уйғунлашмаган мулкни баҳолаш миллий стандартларининг мавжудлиги;

**Бешинчидан**, жамоат бирламаларининг баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш, баҳолаш ҳақидаги хисоботлар сифатини ошириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишда фаоллигининг етарли эмаслиги.

Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш, баҳоловчиларнинг профессионаллик даражаси ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, мазкур соҳада бажариладиган ишларнинг ҳолисиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қумаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади), Молия вазирлиги ва Иқтисодий таъмирликнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифлари мазкўрлансин:

а) баҳолаш фаолиятини лицензиялаш ва баҳолаш ташкилотлари устак капитални (устак жамғармаси)нинг энг кам миқдорида бўлган талабни бекор қилиш;

б) баҳоловчи ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа

бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказида (кейинги ўринларда – Марказ) аккредитация қилиш тартиб-таомилларини жорий қилиш;

в) Давлат рақобат қўмитасининг баҳоловчининг малака сертификатини бериш функциясини – Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига;

мулкни баҳолашнинг янги стандартларини тасдиқлаш, шунингдек, амалдаги мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва ўз қисмини йўқотган деб топиш функциясини – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига ўтказиш.

2. Давлат рақобат қўмитаси бир ҳафта мuddатда илгари берилган баҳоловчи ташкилотларнинг лицензиялари ва баҳоловчиларнинг малака сертификатлари бўйича материалларни Марказга берсин.

3. 2018 йил 1 июлдан бошлаб Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича, имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда белгиланган намунадаги сертификатлар берилган ҳолда, махсус курслар ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан баҳоловчиларнинг профессионал бирламалари тақлифларини инобатга олган ҳолда тасдиқланади; баҳоловчи ташкилотларнинг илгари берилган лицензиялари амал қилиш мuddати 2019 йил 1 январдан тугатилсин;

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида ҳар йили малака ошириш курсларини ўтатган тақдирда баҳоловчиларнинг илгари берилган малака сертификатлари амал қилиш мuddати тугатилсин;

5. Белгилансинки, баҳоловчи ташкилотнинг жавобгарлигини сугурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида сугурта ходисаси содир бўлган тақдирда сугурталовчининг сугурта қопламаси тўловини амалга ошириш юзасидан мажбурияти бўйича сугурта пули;

кўчар мулкни баҳолаш учун, қимматли қозғолар, пушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлар бундан мустасно – энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан;

кўчмас мулкни баҳолаш учун, мулкнинг комплекс сифатидаги қорхона бундан мустасно – энг кам иш ҳақининг 2 500 бараваридан;

бизнесни (мулкнинг комплекс сифатидаги қорхона, барча турдаги моддий ва номоддий активларни) баҳолаш учун – энг кам иш ҳақининг 3 000 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

6. Баҳоловчиларга тоифа беришнинг сертифициланган баҳоловчилар, иккинчи, биринчи ва олий тоифали баҳоловчиларни ўз ичига олувчи тизими амалиётга жорий этилсин ҳамда баҳоловчиларга қуйидаги асосий талаблар ўрнатилсин:

иккинчи тоифага – тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 15 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

биринчи тоифага – тоифа берилмаган вақтда баҳолаш ташкилотда баҳоловчи сифатидаги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 25 та мутахассис равишда баҳарилган ишларнинг мавжудлиги;

олий тоифа – тоифа берилмаган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 35 та мутахассис равишда баҳарилган ишларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки: баҳоловчи ташкилот устав капитали (устав жамғармасининг) камида 51 фоизи мазкур баҳоловчи ташкилотнинг битта ёки бир неча штатдаги баҳоловчисига тегишли бўлиши лозим;

2019 йил 1 январидан бошлаб баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари фақат биринчи ёки олий тоифадаги баҳоловчи бўлиши мумкин;

Баҳоловчи, агар у бошқа баҳоловчи ташкилот штатида турган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида баҳолаш ишларини олиб боришга жалб қилина олмайди;

Буюртмачи ёки бошқа шахсларнинг, агар бу баҳолаш натижасининг ишончлилиги салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, баҳоловчининг фаолиятига аралашуви, жумладан, баҳолаш объектини баҳолашда аниқлиниши ёки таърифлиниши лозим бўлган масалалар доирасини чеклашга йўл қўйилмайди;

Баҳоловчи объектив баҳолашни олиб боришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида баҳолашни ўтказишда иштирок эта олмаслиги ҳақида буюртмачига ёки меҳнат шартномасини тузган баҳолаш ташкилотига маълумот бериши шарт;

Баҳолаш объектини баҳолашни ўтказганлиги учун баҳоловчига тўланадиган ҳақ миқдори баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдorigа боғлиқ бўла олмайди;

Баҳолаш ҳақида ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертиза қилиш учун фақат биринчи ёки олий тоифа баҳоловчилар жалб этилиши мумкин.

8. Аффилиланган шахс бўлган баҳоловчи ташкилот ёки баҳоловчи томонидан баҳолаш ҳақида ҳисоботлар ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш тақиқлансин, бундай шахслар деб қуйидагилар тан олинади:

Баҳолашни олиб бораган баҳоловчи ташкилот мулкдори, муассиси (иштирокчиси), кредитори, сугурталовчиси, баҳоловчиси;

буюртмачининг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори, ишчиси;

Баҳолаш объектига нисбатан мулкий манфаатга эга бўлган ёки мазкур бандда кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош ёки қўда-анда бўлган шахс;

буюртмачи ёки баҳолашни олиб бораган баҳоловчи ташкилотда қузатув кенгашининг аъзоси, директор ёки бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширадиган шахс;

устав жамғармаси (устав капитали)да баҳолашни олиб бораган баҳоловчи ёки баҳоловчи ташкилот улуши бўлган юридик шахс;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа шахслар.

9. Белгилансинки, давлат мулкни, шунингдек, давлат томонидан сотиб олинмаган объектларни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни танлаш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақобат қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари буюртмалари асосида баҳолаш объектини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматлари қийматини аниқлаш ва хизматга ҳақ тўлаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин.

10. Баҳоловчи ташкилотларга кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки тўловсиз хизматлар кўрсатишга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчилар жамоатчилиги:

Баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини услубий таъминлаш бўйича маслаҳатлар беришни амалга оширадиган жамоат эксперт кенгашини тузиш, шунингдек, уларнинг мурожаатлари асосида баҳолаш ҳақида ҳисоботларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тавсиялар бериш;

электрон тарзда ҳамкорлик қилиш, таҳлилий шарҳлардан умумий фойдаланиш ва ахборот билан алмашишни йўли билан барча баҳоловчилар ва баҳолаш ташкилотлари (айниқса, минтақаларда), давлат идоралари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш;

кўрсатилаётган баҳолаш хизматларининг сифатини асосий мезон сифатида назарда тутиш ҳолда баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш;

Баҳоловчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини ишончли маълумотлар билан ишлашни таъминлайдиган бозор ахборотини йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича ягона услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

доимий асосда семинарлар, ўқув курслари, давра суҳбатлари, учрашувлар, анжуманлар ўтказиш, давлат

идораларига киритиш учун баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кенг муҳокама қилиш тавсия этилсин.

12. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда 2016-2018 йилларда давлат мулкни баҳолаш бўйича тузилган контрактларни ҳамда амалга оширилган баҳолаш натижаларини танқидий ўрганиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили иқтисослаштирилган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини шакллантиришда баҳолаш хизматлари бозорининг малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Давлат рақобат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчилари жамоати ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

амалдаги мулкни баҳолаш миллий стандартларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, етишмайдиган мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, эскирганларининг кучини йўқотиш чораларини кўриш;

бир ой муддатда баҳолаш фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат талабларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги янгилашган низом тасдиқлаш, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқишнинг таъминлансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 1 июнь

ҲУДУДЛАР РИВОЖИ МУНОСИБ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида таълим соҳаси мутасаддилари, ёш олимлар, магистрлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда вилоятнинг соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва техника, педагогика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқлардаги кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиаллари ташкил этилди. Эндиликда воҳода яна бир олий таълим даргоҳи – Термиз давлат университетининг Денов филиали фаолиятини бошламоқда.

Келгусида замонавий билимларга эга бўлган, рақобатбардор, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларини малакали ва салоҳиятли ёш педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир доимий яшаш жойи Сурхондарё вилоятида бўлган магистратура босқичи битирувчи талабалари, таянч докторантлар ва докторантлар билан очик давра суҳбати тарзида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов ва бошқалар Сурхондарё вилоятида ташкил этилган олий таълим муассасалари филиалларида педагогик, услубий ва илмий-тадқиқот олиб бориш истагини билдирган магистратура босқичи битирувчилари ва докторантлар учун шароитлар, шу жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан яратилган имкониятлар тўғрисида маълумотлар берди.

Термиз давлат университети ректори А.Тошқулов университет илмий салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилаётган имкониятлар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги олий таълим даргоҳини тамомлаб, ўз йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш истагини мутахассислар учун Термиз давлат университети тақлиф этилган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида тўхтади.

Тошкент шаҳридаги бошқа таянч олий таълим даргоҳларининг ректорлари ҳам Термиз шаҳридаги филиалларида педагогик ва илмий фаолият олиб боришни истаган мутахассисларга ўз тақлифлари билан мурожаат қилдилар. Учрашув якуни бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Н.УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

ЯНГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Анжуманда жорий йилнинг 18 апрель кўни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмуни ва моҳияти, аҳамияти ҳақида иштирокчиларга тушунтириш бериб ўтилди.

Мазкур қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, ушбу ҳужжат бўйича атрафли маълумот берилди. Таъкидланганидек, қонунга мувофиқ Сўлиқ кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра, шу йилнинг 19 апрелидан бошлаб бир қатор солиқ имтиёзлари таъбиқ этилди.

Жумладан, энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда мўқобил энергия манбаларидан фойдалануви шахслар – мўқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан ўз йил муддатга жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ва жисмоний шахслардан олинмаган ер солиғидан озод қилинди.

Энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома мазкур имтиёзин бериш учун асос бўлади.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база туристик фаолият субъектлари учун – туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига қаматирилди.

Бундан ташқари, Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига қўшимча киритилиб, шахнинг муқаддам судланганлиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно ёхуд яқин қариндошларининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилинмаслиги таъкидовчи норма ўрнатилди.

Эслайтиб ўтамиз, қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликда шахсини яқин қариндошларининг ёки ўзининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилиниши рад этилиши тартиблари аниқ белгиланмаганлиги, фуқароларнинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишига тўқилик қилаётганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган эди.

Ушбу қонун лойиҳасининг ишлаб чиқишида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга эътибор қаратилган. Биргина 2016 йилда Адлия вазирлигига фуқаролардан яқин қариндошларининг ёки ўзининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилиш рад этилганлигидан норози бўлиб 33 та мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, Қонунга мувофиқ, оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари белгиланди.

Оммавий ахборот воситалари сўровини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жойида тартиб жорий этилди. Давлат органлари маънабдор шахсларнинг интервьюсини олиш, шунингдек, уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун мурожаат этиш озгина, ёзма ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Сўров 7 кун муддатда кўриб чиқилади. Салбий қарор қабул қилинган тақдирда асосланган жавоб жойида берилади.

Маърузачилар томонидан ушбу Қонун билан 33 та қонун ҳужжатларига ва 8 та амалдаги кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳусусида батафсил маълумот бериб ўтилди. Бир сўз билан айтганда мазкур Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга тўри таъбиқ этилиши, аҳолига кенг қулайлик яратилишига хизмат қилади.

Абдуалим САЛИМОВ

нинг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилиш рад этилганлигидан норози бўлиб 33 та мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, Қонунга мувофиқ, оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари белгиланди.

Оммавий ахборот воситалари сўровини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жойида тартиб жорий этилди. Давлат органлари маънабдор шахсларнинг интервьюсини олиш, шунингдек, уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун мурожаат этиш озгина, ёзма ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Сўров 7 кун муддатда кўриб чиқилади. Салбий қарор қабул қилинган тақдирда асосланган жавоб жойида берилади.

Маърузачилар томонидан ушбу Қонун билан 33 та қонун ҳужжатларига ва 8 та амалдаги кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳусусида батафсил маълумот бериб ўтилди. Бир сўз билан айтганда мазкур Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга тўри таъбиқ этилиши, аҳолига кенг қулайлик яратилишига хизмат қилади.

Абдуалим САЛИМОВ

UZCARDNING ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ ИШГА ТУШДИ

Фойдаланувчилар маълумотлари махфийлиги ва электрон тўлов тизимлари ишончилигини таъминлаш электрон тижоратни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис, UZCARD банклараро тўлов тизими томонидан "Смс-хабарнома хизматини масофавий ўчириш – STOP 1" янги хизмат тури ишлаб чиқилди.

"UZCARD" тизимидан маълум қилишларича, сўнгги йилларда ижтимоий тармоқларда тўлов тизимининг расмий каналлари орқали пластик тўлов карта эгаларидан мобил иловаларга уланган смс-хабарномани маълум муддатга ўчириб қўйишга оид қўллаб-қувватлаш келиб тушган. Маълумки, агар мижоз 3 ой мобайнида мобил телефонидан фойдаланмаса, уяли алоқа компанияси унинг рақамини автоматик тарзда блоклайди ва унинг телефон рақамини янги соҳибга беради. Агар рақамнинг биринчи эгаси ўз пластик картасини мобил иловаларига қўлаб олган бўлса, рақамнинг янги эгаси ҳам юзлаб карталардан фойдалана оладими, деган савол туғилиши табиий албатта. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида "UZCARD" мутахассислари томонидан "Смс-хабарнома хизматини масофавий ўчириш – STOP 1" янги хизмат тури ишлаб чиқилди. Энди мобил операторлар узок вақт ишлатилмаган рақамни блоклаш хараёнида рақамни янги мижозга беришдан ол-

дин "UZCARD" тизимига мобил рақам тўғрисида маълумот юборди ва смс-хабарномани ўчиришни сўрайди. Шундан сўнг, "смс-хабарнома" хизмати ўчирилади. Ўз навбатида, тўлов иловаларига фойдаланувчиларнинг махфий маълумотларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини ошириш талаб этилмоқда. Энг аввало, улар мобил телефон рақамининг янги эгаси рақамнинг олдинги фойдаланувчиси маблагларидан фойдаланмаслиги учун унга тегишли барча маълумотларни бутунлай тазолаши зарур. "Смс-хабарнома хизматини масофавий ўчириш – STOP 1" хизматининг жорий қилиниши карта фойдаланувчилари маблагларининг хавфсиз сақланишини таъминлайди ва мобил телефон рақамини янги мижозга берилганда, у олдинги рақам эгасига тегишли бўлган махфий маълумотлардан фойдалана олмаслигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг "Инновацион фаолият – тараққиёт гарови" лойиҳаси доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида "Биз – ёш инноваторлармиз!" мавзусида кўргазмали кўрик-танлов ўтказилди. Кўргазмали кўрик танловда Урганч давлат университети талабаси Г.Жавлонова биринчи ўринни эгаллади. Урганч давлат университети ўқитувчиси З.Бобоев иккинчи, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали талабаси Д.Аллабергенов учинчи ўринни кўлга киритди.



● Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақасининг республика босқичи нихоясига етди. Мусобақа ғолиблари орасидан "Ёш ўт ўчирувчи" Ўзбекистон тарма жамоасининг таркиби шакллантирилди. Терма жамоа жорий йилда Болгарияда ўтказиладиган "Ёш ўт ўчирувчи"лар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

● Бразилиялик юк ташувчи машиналар ҳайдовчиларининг иш ташлаш туфайли 115 дан ортиқ авиарейс кечиктирилди ёки бекор қилинди. Таъкидланганича, ҳайдовчилар дизель ёнилғисига тарифлар ошганидан норози бўлмоқда. Аэропорт ишидаги кўнгилсизликлар авиация керосини тақчиллиги туфайли юзага келди. Ҳодиса ҳайдовчиларнинг иш ташлаш бошланганидан сўнг юз берди. Юк машиналари бир неча муҳим магистраллардаги ҳаракатни тўсиб қўйди.

● Еврокомиссия вице-президенти Юрки Катайненнинг айтишича, Европа Иттифоқи пластикдан фойдаланишдан вос кечмоқчи эмас. Фақат уни кўпроқ қайта ишлашга йўналтирмоқчи. Аввалроқ Еврокомиссия пластик бўйича стратегиясини тақдим этганди. Ундан кўзланган мақсад пластикдан фойдаланишни қисқартиришдан иборат эди. Айтиш жоизки, айни вақтда айрим пластик маҳсулотлар бир марта ишлатилади. Бу эса йилга 105 миллиард еврогача маблағ йўқотишни аналтади.

● Англиялик олимлар 65 ёшдан ошган 40 мингдан ортиқ беморнинг тиббий маълумотномасини ўрганиб, тинчлантирувчи доираларнинг узок вақт қабул қилиниши организмга салбий таъсир кўрсатади, деган ҳулосага келишди. Бу каби дори воситалари беморнинг ақли пасайишига сабаб бўлади. Маълум бўлишича, антихолинегик воситаларни қабул қилган баъзи беморларда ақли пастлик хавфи 30 фоизга ортган.

Роман БОНДАРЧУК



Тадбирлар

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!

Болалик - ҳаёт уммонининг мусатфоси сарчашмаси. Бонси, у ҳар бир мурғак қалб учун ташвишлардан йироқ, эзгуликка тўла лаҳзалардир. Баҳор тонги мисоли болаларнинг беғубор қалби фақат яхшиликлар билан йўғрилган.

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ

Юнусобод туманида жойлашган "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласида 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Яқинда тадбиркор Жаҳонгир Зугуров томонидан намунавий маҳалла маркази қайта таъмирлаб берилди. Бу ерда маҳалла раиси, масъул котиб, маслаҳатчи, профилактика инспектори учун барча шароитлар яратилди. Кутубхона, нуронийлар хонаси, банк кассаси учун алоҳида хона ажратилди. Замонавий аттракционларга эга болалар майдончаси қуриб берилди.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида фавора фойдаланишга топширилди. Фаворанинг ишга туширилиши болаларнинг учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Тадбирга маҳалла фаоллари, нуронийлар, болажонлар ва ота-оналар, партия вакиллари, депутатлар таклиф этилди. Сўзга чиққанлар юртимизда маҳаллаларда аҳолига яратилаётган шароитлар, айниқса ёш авлодга берилаётган имкониятлар ҳақида тўққинлини гапирди.

Айтиш жоизки, Аҳмад Дониш, "Муруват" маҳаллалари билан қўшни бўлган "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласида 26 та кўп қаватли уй, 1,5 миң оила, 4,7 миңдан ортқ аҳоли аҳилликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Маҳалла фаоли, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Эгамназар Қодировнинг таъкидлашича, мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган маҳаллага Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташриф буюриб, унинг очилишида иштирок этган.

Тадбирда "Шоҳ продукт плюс" корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Юнусобод тумани кенгаши депутаты Назира Исроилова болажонларни байрам билан қутлаб, уларга ўз махсулотларидан улашди.

Хафтанинг ҳар чоршанба кунини сайловчиларим билан учрашиб, уларнинг дардини тинглаб, муаммоларини депутатлик сўрови орқали ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Корхонамизда асосан қандалат махсулотлари ишлаб чиқарилади. Яқинда бунга қўшимча равишда аёллар сартарошхонасини ҳам очдик. Ҳаммаси бўлиб 30 га яқин киши иш билан таъминланган. Болажонларимизнинг қувончи - биз катталарнинг ҳам қувончи, деб билман, - дейди депутат Н.Исроилова.

Шу кун маҳалла болалари учун куй-қўшиқлар янгради, ўйин-кулги авжига чикди, янги фавора атрофида болажонлар музқаймоқ ва ширинликлардан баҳраманд бўлишди, аттракционларда мазада қилиб ўчишди. Байрамни ташкил қилиб берган ташкилотчиларга ўз раҳматларини айтишди.

Жасур ЭЛИМОВ

Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтайдми, деган эди донишмандлардан бири. Бугун бу ҳикматнинг нечоғли ҳаётни ҳақиқат эканини атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам англаб турибмиз. Китоб тафаккур, маънавият, ахлоқ ва тарбия манбаи экани, унинг инсон камолоти йўлида тутган ўрни ҳақида ортқча гапирининг ҳождати йўқ.

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш ва амалий натижага эришишида бир қатор ишлар қилинганлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳаёт муассис ўзгариши ва янгиланишлар замирига қурилган. Шу маънода одамлар тафаккурдаги ўзгаришлар ҳамда ҳаётнинг талаб бу соҳадда ишларни яна қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг келажаги - маърифатли, ақли ёшлардир. Бу ишбод талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис билим эгаллаш, доим мутолаа қилиш барчамизнинг вазифамизга кирди. Айниқса, мамлакатимиз шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда, шунчаки диплом олиш мақсадида эмас, яхши билим учун курашаётган вақт келди.

Китоб, мутолаа ва галаба

Китобни ишонч билан, севиб ўқиш керак. Амир Темур бобомизнинг зиёлиларни астойдил қўллаб-қувватлаш, илмин қадрлаш, бир неча баробар кам сонли қўшни билан рақиблари устидан галабаларини эслаш...

Китобни содиқ дўст, деб билган машҳур сиёсатчи ва давлат арбоби Уинстон Черчиллга Англиянинг ҳарбий жараёнларини бошқариш бериладиган, у гарчанд бу соҳада тажрибаси йўқ бўлишига қарамастан ишонч билан "Бутун ҳаётим давомида мен мана шу ишга тайёргарлик қўриганман ва сўзсиз галаба қозонаман" деб бошлаган ва катта галабаларга эришган.

Синергия, синергетик эффект

1+1=5 ёки 8 десангиз ҳеч ким ишонмайди. Синергетик эффект шундан иборатки, биророрта яхши хабар, воқеа, ҳаракат, қарор, лойиҳа, ҳуллас, барча яхшиликлар жуда тез тарқалади. Тарқалганда ҳам арифметик эмас, геометрик прогрессия билан тарқалади ва кучли синергетик оқибатни келтириб чиқаради. Демак, битта яхшилик қўллаб яхшиликларга, хурсандчиликларга сабаб бўлади ва занжир ҳосил қилиб давом этаверади. Бунини - синергетик эффект, деб аташди. Синергетик эффект бирлашиб, катта кучга айланди. Мисол учун, битта чўпни ёки ҳодани синдириш осон, агар иккаласини бирлаштириб, боғлаб синдирамиз, десангиз, 5-8 баробар кўп куч кетади. Ана сизга 1+1=5 ёки 8 махсули.

Китоб ўқиш ўрнига интернет клубларига бориш кўпайиб кетди. Ралли, отишмалар, даҳшатли, мазмунсиз фильмлар ва ҳожазо. Интернет клубларда компьютер ўйинлари ўйнаш ёки ундан фойдаланишнинг бир соатлик нархи 2-3 миң сўмдан 5 миң сўмгача. Ота-оналар шу мазмунсиз интернет клубига кетган 2-3 кунлик маблағга китоб олиб берса яхши бўларди. Шу маънода бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайганда. Чўпки, ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилиб кетди. Компьютер ҳозирги кунда кўп оилаларда бор. Исталган янгилик ахборотларини интернет орқали олиш мумкин. Бир

КИТОБСЕВАР ЁШЛАР - МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

қарашда китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳождат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки бошқа кўнгилочар томошалар бадий асар ўрнини босмайди. Мисалан, "Утган кунлар" романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан сурабга олинган бўлмасин, Абдулла Қодирий китобнинг таъсири, жозибаси бошқача.

Бир мисол келтирамиз: бундан 2 йил олдин Америкадаги Гарвард университетига физиология бўйича илмий маъруза ўқишга чакирдиши. Маълумки, Гарвард университети дунё таълим ва фан рейтингини етакчи ўрин тутди. Маърузадан кейин университет профессори қайси бўлимларни кўришни хождасиз, эскурсия қиламиз, деб сўради. Мен кутубхонани кўрсатишнинг сўрадим. Гарвард университетининг турли фан соҳаларини қамраб олган 80 та кутубхонаси бор экан. Қайси бирига олиб кирилайлик, дейишди. Мен энг каттасига, дедим. Университетнинг энг катта умумий кутубхонаси 1000 ўринга мўлжалланган. Кутубхона зали бўйлаб айландик, тушлик бўлиб қолганига қарамадан бирорта бўш жой йўқ. Столда компьютер бўлишига қарамастан, бирорта талаба компьютерга қараганини кўрмадик.

Ҳамма китоб ўқиб, компект қилиб ўтирибди. Мен ҳеч ким компьютердан фойдаланмайди, дея сўрадим. Бизни профессорнинг жавоби ҳайратлантирди: "Компьютер билан уйда, ишхонада ва бошқа жойларда фойдаланиши мумкин, бу ер кутубхона. Кутубхонага талабалар китоб билан ишлаш, ўқиш, зарур манбаларни топиш учун келган", деди. Китобни севагани ва қадрлагани учун Гарвард университети битирувчиларининг 75 нафари Нобель мукофоти соҳибни, дунё миллиардерлари бойлигининг ярми мана шу университетда таҳсил олган, айни пайтда дунёни ўз иктидори ва эришган ютуқлари билан ҳайратга солган кишилар қўлида, Американинг 45 та Президентидан 12 нафари шу университетни битирган. Бу каби ажабланишли рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Дарҳақиқат, китоб - буюк усто! "Тушлик вақтини ўтказиб юбориш мумкинлиги,

аммо умринг энг мазмунли қисмини китоб ўқимасдан ўтказиб юбориш асло мумкин эмас", деган АКШ файласуфи Жим Ронн.

Биргина китоб киши ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Бахт - миллионлаб китоблар ичда руҳингизга мос китобни топа билгизда. Шунинг учун ҳам ҳаётда ўз китобингизни топаёлмаган асло тиниб-тинчманг, таслим бўлмаг.

Мутолаа учун вақт топиш керак. Бу - илм асосидир

Атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар, шу жумладан, китоб мазмунини ва барча билимлар ҳам инсон миёнаси орқали қабул қилинади. Мия 15

ёшгача ўсади, Инсон 5 ёшгача ташқи муҳит ахборотларининг 70-80 фоизини олиб бўлади. Демак, 3-4 ёшга келиб инсон миёнаси физиологик ҳудуддан ўқишга, ҳарфларни жамлашга тайёр бўлади. Миянинг мана шу физиологик ҳудудини ҳисобга олган ҳолда базис мамлакатларда 5-6 ёшдан, айримларда эса 7 ёшдан 1-синфга қабул бошланади.

Организмда нерв ҳужайраларининг 3/4 қисми миёда жойлашган. Бу тахминан 14 миллиард нерв ҳужайрасига тўри келади. Миянинг катта-кичиклигининг ақлий фаолиятга мутлақо алоқаси йўқ. Шунини қизикчи, бош миёя ярим шарларидан нерв ҳужайраларининг бор-йўти 2,5-3 фоизига ақлий фаолият даврида ишлаб туради. Мана, сизга заҳира. Бош миёяга қанча юклама берилса, албатта, мейёри билан, унинг қабул қилиш қобилияти шунча ошиб боради. Инсон миёнаси тана умумий оғирлигининг 2 фоизини ташкил қилади. Унинг оғирлиги тахминан 1,4 килограмм. Мия кучли компьютерга ўхшайди. У ҳар хил сигналларни қабул қилади - товуш, хид, фигуралар каби. Уларни аниқлайди ва туркумларга ажратади, эслаб қолади. Миянинг эслаб қилиш қобилияти ҳар қандай компьютердан кучли.

Инсон миёнаси чексиз имкониятларга эга. Битта мисол: Лондон университетининг математика кафедраси талабаси 28 сонияда 13 рақамли сонини 13 рақамли сонга кўпайтириб, аниқ жавоб айтган. Бундай мисоллар жуда кўп. Зеро, вилқда олдинга билим - тошга ўйилган нақш каби-дир.

Китоблар инсонларга яхши ва муносив яшашни, қалби пок ва бир-бирига меҳрибон бўлишни, меҳнатни севишни ўргатади. Кўп яхши китоблар ўқиган киши ўзини кучли, ақли, инсонпарвар сезади. Аксинча, китоб ўқимасан инсон ўзини маданиятчи, маърифатли, деб аташга асло ҳақли эмас. Қолаверса, китоб ўқиб яхши, равон гапирини, чиройли жумлалар тузишни ўрганамиз. Бу каби инсонларни эса барча ҳурмат қилади ва яхши кўради.

Китоб - энг яқин дўстингиз, унга ишонинг. У керак бўлганда сукут сақлайди, керак бўлса сизга дунё эшигини очиб беради. Инсонлар китоб ўқимай қўйганда, фикрлашдан ҳам тўхтайдми.

Ҳаётнинг оғир лаҳзаларида китобга суюнишингиз мумкин. Китоб қалбни ёрлатади, инсоннинг қаддини ростлайди, мустақамлайди, ундаги эзгу ниятларни жонлантиради, ақлни ўткир, юракни енгил қилади.

Иншо ёзишни тиклаш лозим

Бир таклифим бор. Жонжапон мамлакатимизда китобхонликни, китоб ўқишни риволантиришнинг энг муҳим тадбирларидан бири - бу, барча олий ўқув юрлари, коллеж ва лицейларга кириш имтиҳонига иншо ёзишни тиклаш лозим. Иншо ёзаётган инсон, албатта, китоб ўқиган бўлиши кераклиги, саводхонлиги ҳам юқори даражада бўлишини ҳаммамиз тушунамиз. Ахир яқин ўтмишимизда биз ҳаммамиз мактаб битирув имтиҳонларида, олий ўқув юрларига киришда қандай мавзуда иншо ёзганимиз билан фахрланиб юрар эдик-ку. Иншо ёзишни йўқотишгандан кейин, ўзингизга маълум ўз исм-фамилиясини ҳола ёзадиганлар ҳам пайдо бўлди.

Россияда аҳолининг саводхонлигини ошириш учун барча олий ўқув юрларига кириш учун давлат имтиҳонларида иншо ёзиш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, бир неча йиллардан буён мамлакат бўйича ягона диктант кунини мавжуд бўлиб, бу кунни ўқувчи, талабадан тортиб то вазиргача иншо ёзади.

АҚШда ҳам мактаб битирувчилари албатта битирув ижодий иншонини ёзишди. Ҳар бир штада иншо ёзиб, совринли ўринларини олган битирувчиларга муҳофазат берилади, рағбатлантирилади. Масалан, 2017 йили Пенсильвания штатининг Питтсбург шаҳридаги "Shady Side Academy" мактабинини алоҳида баҳолаган битирган ватандошимиз Азизжон Йўлдошевнинг ижодий иншонини мамлакатда совринли ўрин олгани учун "Мэриэн Лутер Кинг" мукофотига сазовор бўлди. Айнан шу мукофоти тўғрисида Азизжон Американинг 13 та олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, барчасига грант асосида ва йиллик стипендия билан қабул қилинди.

Университетлар Азизжонга йиллик стипендияни 10 миңдан 30 миң долларгача таклиф қилишди. У Вашингтондаги "American University" университетининг бизнес факультетини таллади. Бу университет жомоаси Азизжонни суҳбатдан ўтказиб, талабалар орасида "лидер" (сардор) унвонини беришди. Ҳозир ватандошимиз ҳеч бир қўйинчиликсиз 1-курсни алоҳида баҳолаб билан битириб, таътилга чиққан. Мана иншонинг кучи.

Тадбиркорлардан маълум бўлишича, бадий асар ўқиган одам ҳаётда ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунар экан. Эмори университети олимлари китоб ўқиган инсоннинг ақлий салохияти бир неча ой давомида юқори ҳолатда бўлишини исботлашди. Тадбиркор муаллифлари китоб ўқиш миёдаги асаб толалари сонини оширишни таъкидламоқда. Статистик маълумотларга қўра, умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи қашшоқликка яшади. Саводли инсонлар орасида эса қашшоқликда яшайдиганлар 4 фоизни ташкил этади. Тадбиркорларда аниқлашчи, китоб ўқини ҳуш кўрадиган болалар мактабда ҳам алоҳида бўлади. Улар грамматикани ҳам, математикани ҳам яхши ўзлаштиради. Демак, китоб доимий ҳамроҳингиз бўлса, ҳаётда асло адашмайсиз. Иншо ёзиш эса, яна бир бор таъкидлаймиз, китоб ўқишга, пировардида мамлакат аҳолисининг илмини, саводхонлигини, маданиятини, маънавий ва моддий бойлигини оширишга ҳизмат қилади.

Бақридан ЗАРИПОВ, академик, УЗМУ профессори, Нью-Йорк фанлари академияси академиги, Жаҳон Физиологлар жамияти академиги

ХАЛҚ МАНАФАТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ - АСОСИЙ БУРЧ

Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида шу мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши ташаббуси билан Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши ҳамда Тошкент халқаро аэропортида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда соҳада хизмат қилаётган ҳодимлар, уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ҳ.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилгани билан муҳим эканини таъкидлади.

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кеңиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугун халқимиз ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бевосита гувоҳи бўлмоқда. Бу йўналишдаги эзгу ўзгаришларнинг асосий мақсади, энг аввало, ички ишлар идоралари ҳодимларининг халққа янада яқинлашувида, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда яқол намоён бўлмоқда.

Тадбирда янги бадий, маърифий-оммабоп китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Хизмат вазифасига сикдикдилдан ёндашиб, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фол, ташаббускор ёш ҳодимларнинг ота-оналарига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

(ЎЗА)

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

Республика Маънавият ва маърифат маркази Маданият ва санъат ташкилотлари билан ишлаш бўлими томонидан Ўзбекистон давлат мусиқали комедия театри жамоаси иштирокида "Театрлар ҳодимларини сиёсий жараёнлар, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан таништириш мақсадида сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ҳамкорлик" мавзuida тадбир ўтказилди.

Унда Тошкент давлат юридик университетини профессори Феруза Муҳиддинова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 3 август кунини Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини бир-галикда таъминлаш ҳамда маънавият ва маърифат соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, театр жамоасини дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан таништириш, соғлом ижодий ва маънавий муҳит омилига тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга маърузачи бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаб берди. Хусусан одамларни ҳушёрлик ва оғоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали маънавий-маърифий тарғибот тизимини йўлга қўйиш, ўзбек халқининг асрлар давомида авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган маданий ва маънавий меросимизни халқимиз, айниқса ёш авлод онгига сингдириш ҳамда миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини ошириш долзарб аҳамият касб этиб келаётганини таъкидлади.

Шу ўринда Республика Маънавият ва маърифат маркази аҳолини қийнаётган маънавий, ижтимоий масалаларни бартараф этишда таъсирчан механизм асосида тарғибот ишларини олиб боришни ўз вазифаси деб билишини таъкидлаб жоиз. Театр жамоаси билан савол-жавоб, кўпалаб баҳс-мунозараларга бой бўлган бу каби учрашувларни давомли ўтказиш кераклиги хусусида муносабат билдириб ўтди.

Шаҳноза ТОҶИДИНОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Маданият ва санъат ташкилотлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси



**Республика ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларига катта тайёргарлик кўриляпти. Бу жараён Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади.**

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган. Манзилли дастурлар асосида 100 дан ортиқ болалар соғломлаштириш оромгоҳлари таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилди. 17 оромгоҳ янгидан қурилди.

Касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизматидан олинган маълумотларга кўра, бу йилги мавсумда 1 минг 313 оромгоҳ, шу жумладан, 206 стационар турдаги, 978 кундузги, 129 меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда жами 301 минг 600 га яқин бола соғломлаштирилади. Уларнинг 153 мингдан ортиғи стационар, 148 мингдан зиёди кундузги оромгоҳларга жалб этилади. Бунинг учун жами 65 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Оролбўйи минтақасидан 4 минг нафар боланинг Тошкент шаҳри, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда бепул дам олиши таъминланади. Оролбўйи ҳудудидagi эҳтиёжманд оилаларнинг 500 нафар фарзанди эса "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан бепул ёзги оромгоҳларга жалб қилинади. Касаба уюшмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 40 минг нафар фарзанди жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бепул ва имтиёзли соғломлаштирилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари-нинг 2 мингга яқин тарбияланувчиси ҳамда жисмоний имконияти чекланган болалар бепул йўлан-

ма билан таъминланади. 2,5 минг нафар она-болалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлайди. Касаба уюшмалари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида 700 нафар ўғил-қиз бепул дам олдирилади.

Бундан ташқари, Навоий вилоятининг Тонди, Учқу-

лар беллашуви" голиблари бўлган ўғил-қизларнинг бепул соғломлаштирилиши таъминланади. Бундай оромгоҳлар фаолияти ҳар бир ҳудудда йўлга қўйилади.

Ички ишлар вазирлиги томонидан оромгоҳларда жамоат тарбияси сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида 1500 га яқин ички ишлар ходимлари бириктирилиб, автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланди. Ёнгин хавфсизлиги, тиббиёт, коммунал соҳа ходимларининг ҳам узлуксиз навбатчилиги ташкил этилади.

Оромгоҳларда таълим-тарбия ишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида 29 мингдан ортиқ юқори малакали педагог кадрлар, тарбиячи ва тўғрақ раҳбарлари, чет тиллари мутахассислари жалб этилмоқда.

Болаларнинг овқатланиш рационини бойитиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор янгилуқлар жорий қилинди. Хусусан, таомналарда дармондориларга бой таомлар, далама ва салатлар турларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Маданият вазирлиги томонидан оромгоҳларда ёш ижрочилар, маданият ва санъат арбоблари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, урғулар ва сўхбатлар ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, болалар маънавиятини юксалтиришга, улар ўртасида китоб мутолаасига бўлган қизиқишни орттиришга йўналтирилган тадбирлар туркуми, спорт мусобақалари ва турнирлар ўтказилди.

Барча оромгоҳларда болалар учун "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан махсус ишлаб чиқилган 34 номдаги ҳужжатли, бадий ва анимацион фильмлар намойиш этиб борилади. Ва, албатта, ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари болаларга мос кўшиқ, шеър ва мусикалар ёзилган дисклар, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини болаларга тушунтириб берувчи баннер ва кўргазмалар воситалар билан таъминланди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

**Ёз – 2018**

**ЭЗГУЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ**

дук, Конимех, Нурота туманларидаги эҳтиёжманд оилаларнинг 500 нафар фарзанди Навоий кон-металлургия комбинати, Жиззах вилоятидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди "Жиззах аккумулятор заводи"нинг хомийлик маблағи ҳисобидан бепул соғломлаштирилади.

Жорий йилги соғломлаштириш мавсуми янгилуқларидан бири мамлакатимиз бўйича 207 ихтисослаштирилган оромгоҳ ташкил этилаётганидир. Иқтидорли ўғил-қизлар учун 15 интеллектуал ривожлантириш, 14 ҳарбий-спорт, 14 экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 техник ижодкорлик, 14 бадий ижодкорлик, 7 ижтимоий-мослашув ва 129 меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан анъанавий равишда Тошкент вилоятидаги "Кўёшли" оромгоҳида республика интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилади ҳамда турли фанлар бўйича ўтказилган "Билим-

**Кўрик-танловлар**  
**ОРЗУ ВА ИСТАКЛАР КАЛИТИ**

**Бугунги кунда давлатимиз томонидан эртаимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли давлат сиёсати изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.**

Таълим муассасаларидаги иқтидорли ёшлар ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгашининг 2018 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш, таълим муассасаларидаги иқтидорли ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ушбу қатламдаги ёшлар билан ишлаш самардорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тахсил олувчи ихтироичи ёшлар иштирокида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман маҳаллий Кенгаши томонидан "Биз ихтироичимиз" кўрик-танлови ўтказилди.

Республикамизда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури", умумтаълим мактабларининг 11 йиллик тизимга ўтиши ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз ихтисосликлари бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган эътибор давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин белгисидир, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор тумани маҳаллий Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов. – Мен шунга амин бўлдимки, энди биз ўзимизга оқлатилган вазибаларни янада жонлантирган ҳолда туманимизда иқтидорли, инновацияга қизиқувчи ёшлар билан алоҳида тадбир ва танловларни амалга оширишни қўлайитишимиз керак экан. Шундангина Ёшлар иттифоқи ёшларимизнинг меҳр ва ишончи янада ортади. Дарҳақиқат, бу каби тадбирлар ёшлар-

ни бир жойга жамлаб, улардаги мавжуд иқтидорларини рўёбга чиқаришда ҳамда ўзларининг яратган ихтироларини синондан ўтказишда кўмакчи сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур кўрик-танловда 100 дан ортиқ ёш ихтирочилар ўзларининг амалий ишлари билан иштирок этишди. Танлов иштирокчиларини малакали мутахассислардан ташкил тоилган ҳакамлар ҳайъати жамоаси баҳолаб борди. Ёш ихтирочилар лойиҳанинг инновационлиги, имкониятлари ва амалиётда қўлланилиши ҳамда натижадорлиги каби мезонларда ўзаро беллашдилар.

– Мен бугун 8 нафар ўқувчиларим билан "Биз ихтироичимиз" тадбирида қатнашдик, – дейди тумандаги Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи ёшлар етакчиси Феруза Хўжаева. – Ўқувчиларимиз орасида қобилиятли ёшлар жуда кўп. Туман Кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбир тарғиботини коллежимизда ўтказганимизда ўқувчилар ўз ихтиролари билан ушбу танловда иштирок этиш хоҳишини билдиришди. Бежизга Ёшлар иттифоқи сезиниг орзу ва истаklarининг калити дейилмаган экан. Мазкур танлов мутасаддилари ўқувчи-ёшларимиз қалбига эзгулик калитини тўғри топишида ҳамда уларни бир ерга жамлаб, иқтидорларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишди.

Танлов якунида голиблар аниқланиб, Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман маҳаллий Кенгаши томонидан фахрий диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Зафар НАЗАРОВ

**ТОЗА ҚАЛЬ ЧИЗГИЛАРИ**

**Таниқли мусаввир Эркин Жўраев ижодида қишлоқ ҳаёти, кўчалари ва одамлари образини тасвирлаш етакчилиги қилади.**

Ўзбекистон Бадий академияси Иқоу Хираяма халқро маданият карвон саройида очилган ижодкорнинг навбатдаги кўргазмаси ҳам яна қишлоқ мавзусидаги картиналар намойишига бағишланди. Кўргазма очилишида сўз олганлар Э.Жўраевнинг ижодий ва педагогик фаолияти тасвирий санъат соҳасида муносиб ўрин эгаллаши, у яратган асарлар халқимизнинг бадий-эстетик дидини юксалтиришда катта аҳамият касб этиб келаётганини таъкидлаб ўтди.

Эркин Жўраев 1960 йил Бухоро вилоятида таваллуд тоилган. Тошкентда олий ўқув даргоҳини муваффақиятли тамомлаб, Бухорога қайтган ёш рассом бир муддат театрда ишлади. Кейинчалик Бухоро вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидир директор лавозимида фаолият кўрсатади. 1986 йилдан Эркин Жўраев рассом сифатида фаол ижод қилиб, мамлакат ва хорижда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб келади. Бугунги кунда унинг асар-

лари Германия, Франция, АҚШ, Канада, Швеция, Россия, Туркия каби мамлакатларнинг давлат ва шахсий галереяларида сақланмоқда.

– Эркин Жўраев Бухорони, унинг тарихини, одамларини, энг муҳими, касбининг яхши кўради, – деди Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков. – Шу меҳр-муҳаббат уни шакллантирди, излантирди ва ижодга ошно этди. Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилган асарлар Эркин Жўраев тоза қалбининг чизгиларидир. Шу сабаб унинг асарларидан ҳаёт ҳақиқати, дарду хижрон, қувончу фарогатни ўқиб оласиз. Аслида, дунёни тасвирий санъат орқали англаш ва мушоҳада қилиш фалсафаси ҳам шунда.

Кўргазма экспозициясидан муаллифнинг "Биз", "Рамазон", "Сахро малаклари", "Умр даракти", "Йўлдаги хордик", "Сузана", "Кандакор" каби эллика яқин асари ўрин олган.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

**ЁШ РОБОТЧИЛАР БАҲСИ**

**Лочин Тоҳиржонов ва Саидқарим Саиданваров бир мактабда таълим-тарбия олади. Иккаласи биргаликда дарс тайёрлайди, тўғрақларга боради.**

Айни вақтда "Робототехника" тўғрагида улар ўзлари қизиққан соҳа сирларини мукамал ўрганишга киришган. Бугунги танлов уларнинг бир йил давомида ўрганган билимлари ва кўникмаларини бир жамоа бўлиб намойиш қилиши учун кенг имконият берди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, пойтахтимиздаги "Robokidz" робототехника мактаби ҳамкорлигида ўтказилган "Robo challenge – 2018" танловида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ва Robokidz Education, Wunderkind, Intellect, Сех-

риб, Эрудит каби хусусий таълим марказлари ўқувчилари иштирок этди.

Юртимизда ўғил-қизлар ўртасида турли йўналишларда туркум лойиҳалар, ижодий танловлар, фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Илк бор ташкил этилган танловдан кўзланган мақсад, болаларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, спорт ва таълим робототехникасига бўлган қизиқишини янада ошириш, техник ижодкорлигини рағбатлантиришдан иборатдир.

Ушбу босқичда мактаб-

ларнинг ўзида сараланган ва якуний босқичга тасвир этилган 10 ёшдан 14 ёшга бўлган икки кишидан иборат 25 жамоа иштирок этди.

Унда ўғил-қизларнинг роботларни тўғри йиғиши, уни ранг, масса ва марра-ни тўғри белгилаи олидиган қилиб созлай олиши, компьютер орқали боқариши ва роботлар баҳсида иштироки каби йўналишларда баҳолаб борилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, голиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари берилди.

(ЎЗА)

**Хабарлар**

**ИМКОНИЯТЛАРНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ**

**Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши қошидаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази томонидан "Тадбиркорлик сирлари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари А.Савдуллаев, "Психологик мадад" маркази директори Д.Султонова ва бошқалар мамлакатимизда имконияти чекланган аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда тенг имкониятлар яратиш бериш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад имконияти чекланган инсонларга психологик ёрдам кўрсатиш, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатиш, уларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва ҳаётда ўз уринини топишга кўмаклашишдан иборатдир. – Биз бир эмас, бир нечта соҳаларни эгаллай олишимиз мумкин, – дейди Н.Аҳмедова. – Имкониятларимизнинг чегараси йўқ. Ҳоҳласак, албатта, ўз мақсадимизга етамиз. Юртимиз тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишга тайёремиз.

Семинар сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**МУСИҚА ЖАНГОВАР САФДА**

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрлари ўртасида "Муסיқа жанговар сафда" номли ҳарбий кўшиқлар фестивали ўтказилди.**

Ҳарбийлар ҳаётда ватанпарварлик, фидойиликка қорловчи кўй-кўшиқларнинг ўрни алоҳида. Улар юрт ҳимоячилари учун куч-гайрат, шижоат манбаидир.

Фестивалда Чирчиқ, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз гарнизонли ҳарбий оркестр жамоалари, Мудофаа вазирлиги марказий ва Куролли Куллар академияси, Куролли Куллар кун тузилмаларининг жами 12 ҳарбий оркестр жамоаси иштирок этди.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази Олдиддаги очик майдон томошабинлар билан гаважум бўлди. Фестиваль йилма ҳарбий оркестрларнинг гала-концертига улашиб кетди.

**Спорт**

**ЧЕМПИОНЛАРГА ВЕЛОСИПЕДЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ**

**Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўҳрати музейида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Чемпионлар – юрт фахри" шiori остида тадбир ўтказилди.**

Унда Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош қотиби Жасур Матчанов мамлакатимизда спортга қаратилган улкан эътибор самарасида ёшларимиз нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани, энг муҳими, соғлом камол топаётганини таъкидлади.

Тадбирда Москва шаҳрида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритган ёш футболчиларимизга Миллий олимпия қўмитаси совғаси – велосипедлар тақдим этилди.

(ЎЗА)

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 29 октябрда № 370 реестр рақами билан рўйхатга олинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 30-уй манзилда жойлашган "ХАВЕАС КОРПУС" адвокатлик бюроси (СТИР 203858 672) адвокатининг 2018 йил 22 майдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар (97) 736-56-71 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 06.06.2016 йилдаги № 008684-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "BEST LABORATORIES GROUP" ХК (ИНН 303398289) таъсисчисининг 31.05.2018 йилдаги № 3-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яқасарой тумани, Миробод кўчаси, 6-уйда қабул қилинади. Тел: 215-58-22, +99897 441-03-36.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетини томонидан 2003 йилда Сабировна Нигора Улишерова номига берилган В № 097901 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

*метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мълумотиюга кўра, 3 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқали кетишига имконият яратди, ифосаланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида 3 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, кечқурун қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан гарба йўналишини ўзгартирган шимол секундида 5-10, кучайган ҳолда 12-17*

(Газетанинг навбатдаги сони 5 июнда чиқиди.)

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8864 нусхада босилди.

Нашр учун маъсул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Тошчириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 01.30